

Э Ё Л О Н

«Buxoroparranda» АЖ акциядорлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 97-моддасига мувофиқ жамият қонунчилиқда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакли этиб ўзгартирилишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Buxoroparranda» АЖ акциядорларининг 2025 йил 30 июндаги умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонуннинг 40-моддасида жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлилиги;

қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестри (яъни 27.05.2025 йил ҳолатида шакллантирилган реестр) маълумотлари асосида тузилиши;

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилиши қайд этилган.

Шунингдек, Қонуннинг 41-моддасида билан Акциядорларнинг ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби белгиланган.

Шу муносабат билан, «Ozod osiyo baxolash markazi» МЧЖнинг баҳолаш хулосасига ҳамда “Kontinent imkon baxo” МЧЖнинг экспертиза хулосасига асосан «Buxoroparranda» АЖ нинг ҳар бир дона оддий акцияси 3000 (уч минг) сўмдан баҳоланган.

Шунингдек, корпоратив ягона ахборот порталида 2025 йил 04 июлда берилган эълон орқали жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши, қонунчилик талабларига кўра овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлилиги ҳамда акциялар баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган бозор қийматида яъни 3000 (уч минг) сўмдан сотиб олиниши маълум қилинган.

Шу муносабат билан, акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талаби қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва унинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган ҳолда жамиятга юборилиши лозим.

Шунингдек, жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорлар томонидан белгиланган муддатларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилмаган акциядорларнинг уларга тегишли акцияларинининг бозор қиймати (бир дона акциянинг бозор қиймати қийматида 3000 (уч минг) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига қўйилиши маълум қиланади.

Қўшимча маълумотлар учун “Buxoroparranda” АЖ нинг маъмурий биносида (манзил: Бухоро вилоят Когон туман Сараён МФЙ) соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: (98) 774 0087, (90) 711 07 45, Электрон почта манзили: parranda@mail.ru